Распространение. Среднее течение Амударьи и Сырдарьи. По Амударье встречается от Кафирнигана до Турткуля. В Сырдарье ранее встречался от Карадарьи до Чиназа, а также в Чирчике. В результате строительства Аму-Бухарского канала проник в низовья Зеравшана. Из-за изменений гидрологического режима в настоящее время в Сырдарье практически исчез. Охраняется в Кызылкумском заповеднике и Нижне-Амударьинском биосферном резервате.

Образ жизни. Мало изучен. Обитает в мутной проточной воде, на глубинных участках рек с песчаным или каменистым дном. Изредка встречается

ди. Яшаш тарзи якка. Йиртқич, асосан балиқлар билан озиқланади. 6-7 ёшида, танасининг узунлиги 45-50 см бўлганда жинсий вояга етади. Увилдириқни ҳар йили ташламайди. Увилдириқ ташлаши феврал-март ойларида, сув ҳарорати 5-10 даража бўлганида амалга ошади. Увилдириқни тез оқимда ташлайди. Серпуштлиги 22-190 минг увилдириқ атрофида.

в озерах и водохранилищах. Ведет одиночный образ жизни. Хищник, питается в основном рыбой. Половозрелость наступает в возрасте 6-7 лет при достижении длины тела 45-50 см. Нерестится не каждый год. Икрометание происходит в феврале-марте при температуре воды 5-10 градусов. Икра выметывается на быстром течении. Плодовитость 22-190 тысяч икринок.



***Aspiolucius esocinus* Kessler**

РЕПТИЛИЯЛАР
РЕПТИЛИИ

Бўз эчкемар
Varanus griseus Daudin

Ўрта Осиёнинг энг йирик калтакесаги. Илгари одатий бўлган, ҳозирда сони жуда камайиб кетган. Кўпчилик районларда ерларни хўжалик жиҳатидан ўзлаштириш ва тур вакилларининг бевосита қириб ташланиши оқибатида бутунлай йўқолиб кетган. Ўзбекистон Кизил китобига 2(VU:D) -тоифа– заиф, қисқариб бораётган тур деб киритилган.

Ташқи кўриниши. Танасининг узунлиги 55-60 см гача, думининг узунлиги 85-90 см, вазни 3,5 кг гача. Тумшуғи узун, тили жуда узун ва учи икки қисмга бўлинган. Думи узун ва бақувват. Ранги қум ранг-сарғишсимон ёки кўплаб қора доғли ва кенг кўндаланг қора йўлли оч кул ранг.

Тарқалиши. Ўрта Осиё, Жанубий Қозоғистон, Афғонистон, Эрон. Ўзбекистон ҳудудида Жанубий Оролбўйидан Фарғона водийсигача бўлган текисликларда учрайди. Қизилқум давлат қўриқхонаси ва "Жайрон" Экомарказида муҳофаза қилинади, аҳёнда Сурхон ва Нурота қўриқхоналарида ҳам учрайди.

Яшаш тарзи. Қумли ва соз тупроқли чўлларда, текслик дарёлари водийларида, онда-сонда тоғ олди ва паст тоғларда учрайди. Апрелдан октябргача фаол. Яшаш тарзи -кундузги. Йиртқич- кемирувчилар, судралиб юрувчилар, ерда уя қурадиган қушларнинг тухуми ва полапонлари, йирик хашаротлар, чаён ва фалангалар билан озиқланади. Қумсичқон, суғур, тошбақаларнинг, ташлаб кетилган тулки уяларида яшайди, 2-2,5 м гача узунлидаги уя қуриб олиши ҳам мумкин. Жуфтлашиши май – июнда амалга ошади. Июн ойида урғочиси уяси-

Серый варан
Varanus griseus Daudin

Самая крупная ящерица Средней Азии. Ранее был обычен, в настоящее время очень малочислен. Во многих районах полностью исчез в результате хозяйственного освоения земель и прямого истребления. Внесен в Красную Книгу Узбекистана в категории 2 (VU:D) - уязвимый, сокращающийся вид.

Внешний вид. Длина тела до 55-60 см, длина хвоста 85-90 см, вес до 3,5 кг. Морда длинная, язык очень длинный и глубоко раздвоенный на конце. Хвост длинный и мощный. Окраска песчано-жёлтоватая или светло-серая с многочисленными темными пятнышками и с широкими поперечными темными полосами.

Распространение. Средняя Азия, Южный Казахстан, Афганистан, Иран. На территории Узбекистана встречается на равнинах от Южного Приаралья до Ферганской долины. Охраняется на территории Кызылкумского государственного заповедника и Экоцентра «Джейран», изредка встречается также в Сурханском и Нуратинском заповедниках.

Образ жизни. Обитает в песчаной и глинистой пустыне, в долинах равнинных рек, изредка встречается в предгорьях и в низкогорье. Активен с апреля по октябрь. Ведет дневной образ жизни. Хищник, питается грызунами, пресмыкающимися, яйцами и птенцами гнездящихся на земле птиц, крупными насекомыми, скорпионами и фалангами. Укрывается в норах песчанок, сусликов, черепах, брошенных лисьих норах, может рыть и собственную нору длиной до 2-2,5 м. Спаривание проис-

да 6-20 та тухум қўяди. Ёш эчкэмарлар тухумдан кузда чиқади, лекин биринчи бор юзага фақатгина кейинги йил баҳорида чиқишади.

Сони. XX асрнинг 70-йилларида Ўзбекистоннинг чўл районларида 1 км2 майдонда 3-6 таси қайд қилинган. Ҳозирги вақтда ҳамма ҳудудларда камайиб кетган.

ходит в мае – июне. В июне самки откладывают в норах 6-20 яиц. Молодые вараны вылупляются из яиц осенью, но на поверхности они впервые появляются только весной следующего года.

Численность. В 70-х годах XX века в пустынных районах Узбекистана учитывалось до 3-6 особей на 1 км2. В настоящее время повсеместно редок.

***Varanus griseus* Daudin**

Кўндаланг йўлли бўритиш илон
Lycodon striatus Shaw

Табиатда камёб, кам ўрганилган илонлар тури. Ўзбекистон Қизил китобига 2(VU:R)-тоифасида киритилган.

Ташқи кўриниши. Тана узунлиги 50-60 см. бўлган унча катта бўлмаган илон. Боши танасидан кучсиз чегараланган, тумшуғи учи юмалоқ. Танаси текис ялтироқ тангачалар билан қопланган. Контраст йўл-йўл рангли бу тур Ўрта Осиёнинг бошқа барча илон турларидан ажралиб туради. Усти қора ёки тўқ жигаранг оқ ёки сариқ кўндаланг йўлли. Остки қисми оқ ёки сарғиш. Заҳарсиз ва инсонлар учун хавфли эмас.

Тарқалиши. Жанубий Туркманистон, Ўзбекистон, Ғарбий Тожикистон, Шимоли шарқий Эрон, Афғонистон, Покистон, Хиндистон. Нурота, Сурхон ва Китоб қўриқхонларида муҳофаза қилинади.

Яшаш тарзи. Соз тупроқли чўллар, тоғ олдиларида ва денгиз сатҳидан 1800 метргача бўлган ён бағирларда яшайди. Яшаш тарзи яширин, шом ва тунда фаол, кундузи тошлар тагида, тупроқ бўшлиқларида ва бошқа бошпаналарда беркинади. Майда калтакесаклар билан озиқланади. Июннинг охири-июлда 2-4 та тухум қўяди.

Сони. Бутун ареали бўйлаб сони жуда ҳам кам. Яширин тарзда ҳаёт кечиргани учун сони бўйича аниқ маълумотлар йўқ. Ягона учратишлар қайд қилинган.

Поперечнополосатый волкозуб
Lycodon striatus Shaw

Естественно редкий, мало изученный вид змей. Внесен в Красную Книгу Узбекистана в категории 2 (VU:R).

Внешний вид. Небольшая змея длиной тела до 50-60 см. Голова слабо отграничена от тела, кончик морды закруглен. Тело покрыто гладкой блестящей чешуей. Контрастной полосатой окраской этот вид хорошо отличается от всех других змей Средней Азии. Верхняя сторона чёрного или тёмно-коричневого цвета с белыми или жёлтыми поперечными полосами. Нижняя сторона белая или желтоватая. Не ядовит и для человека не опасен.

Распространение. Южный Туркменистан, Узбекистан, Западный Таджикистан, Северо-Восточный Иран, Афганистан, Пакистан, Индия. Охраняется в Нуратинском, Сурханском и Китабском заповедниках.

Образ жизни. Обитает в глинистых пустынях, предгорьях и на склонах гор на высоте до 1800 м н.у.м. Ведет скрытный сумеречный и ночной образ жизни, днем укрывается под камнями, в трещинах почвы и других убежищах. Питается мелкими ящерицами. Откладка 2-4 яиц происходит в конце июня - июле.

Численность. По всему ареалу очень редок. Из-за скрытного образа жизни этой змеи конкретных данных по численности нет. Зарегистрированы единичные встречи.

Lycodon striatus Shaw

Ўрта Осиё кобраси, капча илон
Naja oxiana Eichwald

Илонларнинг табиий ноёб тури. Жуда захарли, лекин инсонларнинг чақиш ҳоллари жуда ҳам кам. Захари доривор малҳамларни тайёрлашда фойдаланилади. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва халқаро қонунчилик билан муҳофаза қилинади. Ўзбекистон Қизил китобига 3(NT)-тоифада – заиф турга яқин деб киритилган. Шунингдек Халқаро Қизил китобга ва СИТЕСнинг II Иловасига киритилган.

Ташқи кўриниши. Узунлиги 175-180 см гача бўлган йирик илон. Танаси силлиқ тангачалар билан қопланган. Вояга етган зотлари зайтун, кул ранг, қўнғир ёки деярли қора рангда бўлади, қорни оч- сарғиш рангда. Ёшлари кўндаланг йўл-йулли. Безовта қилинганида кобра танасининг олди қисмини кўтаради, бўйнини шиширади, вишиллаган овоз чиқаради, чайқалади ва душман томонига таҳдид солиб, ташланади. Бундай характерли гавда тутиши уни Ўрта Осиёдаги барча илонлардан ажратиб туради.

Тарқалиши. Туркманистон, Жанубий Ўзбекистон, Жануби-Ғарбий Тожикистон, Шимоли-Ҳарбий Хиндистон, Покистон, Афғонистон ва Шимоли-Шарқий Эронда учрайди. Ўзбекистон ҳудудида бу илон Сурхондарё вилоятининг жанубий районларидан Нуротанинг тоғолди ҳудудларигача тарқалган. Сурхон, Китоб ва Ҳисор қўриқхоналарида муҳофаза қилинади. Нурота қўриқхонасида ҳам ягона учрашувлар қайд қилинган.

Яшаш тарзи. Тоғ олдилари, тоғларда (денгиз саҳидан 2000 метр баландликкача) ва тексликларда яшайди. Дарё водийларида, даралар, буталар ўсадиган

Среднеазиатская кобра
Naja oxiana Eichwald

Естественно редкий вид змей. Очень ядовита, но случаи укуса людей редки. Яд используется для приготовления лекарственных препаратов. Охраняется законодательством Республики Узбекистан и международным законодательством. Внесена в Красную Книгу Узбекистана в категории 3 (NT) – близкий к уязвимым вид. Внесена также в Международную Красную Книгу и в Приложение II СИТЕС.

Внешний вид. Крупная змея, длиной до 175-180 см. Тело покрыто гладкой чешуей. Взрослые особи имеют однотонную окраску оливкового, серого, бурого или почти чёрного цвета, брюхо светлое, желтоватое. Молодые с тёмными поперечными полосами. Будучи потревожена, кобра поднимает вверх переднюю часть тела, раздувает шею, шипит, раскачивается и делает угрожающие выпады в сторону врага. Эта характерная поза отличает кобру от всех других змей Средней Азии.

Распространение. Туркменистан, Южный Узбекистан, Юго-Западный Таджикистан, Северо-Западная Индия, Пакистан, Афганистан и Северо-Восточный Иран. На территории Узбекистана эта змея распространена от южных районов Сурхандарьинской области до предгорий хребта Нуратау. Охраняется в Сурханском, Китабском и Гиссарском заповедниках. Известны также единичные встречи в Нуратинском заповеднике.

Образ жизни. Обитает в предгорьях, в горах (до высоты 2000 м н.у.м.) и на равнинах. Встречается в долинах рек, в ущельях, на поросших кустарниками каменистых склонах, среди развалин,

тошли ён бағирларда, харобалар, қабристонларда, дала ва боғларнинг чеккаларида учрайди. Баъзида қумли чўлларда, қумсичқонлар тўдалари яшайдиган жойларда қайд қилинади. Баҳор ва кузда кундузи фаол ҳаёт кечиради, ёзда шом ва тунда ҳам фаол бўлади. Бақа, қурбақалар, кемирувчилар, калтакесаклар, кичик илонлар(шу жумладан захарли), камроқ қушлар билан озиқланади. Қўшилиши май ойида кузатилади. Июл ойида урғочиси 6-19 та тухум қўяди ва улардан август ойининг иккинчи ярми-сентябрда узунлиги 30 см гача бўлган ёш кобралар дунёга келади.

Сони. Ўзбекистоннинг жанубий районларида популяциясининг зичлиги 1 км^2 майдонга 3-5 таси тўғри келади.

на кладбищах, по окраинам полей, в садах. Изредка отмечается в песчаных пустынях, где поселяется около колоний песчанок. Весной и осенью ведет дневной образ жизни, летом активна в сумерках и ночью. Кормится жабами, лягушками, грызунами, ящерицами, небольшими змеями (в том числе ядовитыми), реже птицами. Спаривание происходит в мае. В июле самка откладывает 6-19 яиц, из которых во второй половине августа - сентябре вылупляются молодые кобры длиной около 30 см.

Численность. Средняя плотность популяции в южных районах Узбекистана до 3-5 особей на 1 км^2.

***Naja oxiana* Eichwald**

КУШЛАР
ПТИЦЫ

Пушти сақоқуш
Pelecanus onocrotalus Linnaeus

Заиф, ареали қисқариб бораётга кўчманчи тур. Сони камайишининг асосий омиллари: Орол денгизи хавзасида сув режимининг бузилиши натижасида яшаш жойларининг йўқ қилиниши ва браконерлик, сув объектларининг пестицидлар билан ифлосланиши оқибатида қушларнинг нобуд бўлишидир. Ўзбекистоннинг Қизил Китобига 2(VU:D)-тоифада киритилган. Ов қилиш таъқиқланган.

Ташқи кўриниши. Сувда сузувчи йирик қуш, панжалари пардали, тумшуғи узун ва ялпоқ, унинг пастки қисмида кенг терисимон қопчаси бор. Ўрта Осиёдаги энг йирик қушлардан бири. Нарининг вазни 13 кг гача, модаларининг вазни 10 кг гача, қанотларининг узунлиги 270-360 см. Патлари оппоқ, пушти тусли, катта патлари қора, шунинг учун парвози вақтида қанотларининг чети бўйлаб кенг қора йўли яхши кўринади(ушбу белгиси билан пушти сақоқуш жингалак сақоқушда яхши ажралиб туради). Ёш қушлар оч-кўнғир тусда. Сузаётганда ва учар пайтида бўйни S-симон букилган.

Тарқалиши. Жануби-Шарқий Европа, Кавказортида, Қозоғистонда, Ўрта Осиё, Яқин Шарқда, Хиндистоннинг шимоли-ғарбида, Африкада уя қуриб яшайди. Ўзбекистонда Оролбўйида, Амударё дельтасида, Айдар-Арнасой кўллар тизимида уялайди. Мавсумий учишида сақоқушлар Амударё, Сирдарё ва Зарафшон хавзаларининг бошқа йирик текслик сувларида учрайди, баъзида қишлайди. Мавсумий кўчиши даврида мунтазам дам олиш ва озиқланиш учун Қизилқум қўриқхонаси, Қуйи-Амударё биосфера резервати ва “Жайрон” Эко-

Розовый пеликан
Pelecanus onocrotalus Linnaeus

Уязвимый, сокращающийся перелетный вид. Основные факторы снижения численности: уничтожение мест обитания из-за нарушения водного режима в бассейне Аральского моря и гибель птиц из-за браконьерства и загрязнения водоемов пестицидами. Внесен в Красную книгу Узбекистана в категории 2 (VU:D). Добыча запрещена.

Внешний вид. Крупная водоплавающая птица с перепончатыми лапами и длинным плоским клювом, снабженным снизу широким кожистым мешком. Одна из наиболее крупных птиц Средней Азии. Масса самцов до 13 кг, самок до 10 кг, размах крыльев 270-360 см. Оперение белое с розовым оттенком, маховые перья черные, поэтому в полете хорошо видна широкая черная полоса по краю крыла (по этому признаку розовый пеликан хорошо отличается от кудрявого пеликана). Молодые птицы серовато-бурые. Во время плавания и в полете шея S-образно изогнута.

Распространение. Гнездится в Юго-Восточной Европе, в Закавказье, Казахстане, Средней Азии, на Ближнем Востоке, на северо-западе Индии, в Африке. В Узбекистане встречается на гнездовании в Приаралье, дельте Амударьи, на Айдаро-Арнасайской системе озер. На пролете пеликаны отмечаются и на других крупных равнинных водоемах в бассейнах Амударьи, Сырдарьи и Зеравшана, иногда остаются на зимовку. Во время миграций регулярно останавливаются для отдыха и кормежки на территории Кызылкумского заповедника, Нижне-Амударьинского биосферного резервата и Экоцентра «Джейран».

маркази ҳудудида тўхтаб ўтадилар.

Яшаш тарзи. Қамишлар қалин ўсадиган, балиқга бой бўлган йирик, саёз текслик сув хавзаларини ишғол қилади. Балиқлар билан озиқланади. Колония бўлиб уялайди. Уясини қамиш уюмларига ёки саёз жойлар ва ороллар-да қуради. Тухум босганида 1-3 (одат-да 2 та)та оқ тухум қўяди. Тухум бо-си-ши 20-30 кун давом этади. Модаси ту-хум босади, озиқланишга учиб кетса нари ўрнини босиб туради. Ота-онаси полапонларини ярим хазим бўлиб, қайт қилинган овқат билан боқади, кейинроқ тумшуғида майда балиқларни олиб кела-ди. Ёш қушлар 65-70 кунлик бўлганида, июн-августда уча бошлайди. Шундан сўнг тўп-тўп уялари бўлиниб кетади ҳамда қушлар галалари ҳосил қилади ва овқат излаб кўчиб юради. Баҳорги учиб ўтиши март-апрелда, кузги учиб ўтиши сентябр-ноябрда бўлади.

Сони. Сақоқушларнинг асосий қисми тропик минтақаларда яшайди. Ўзбекистонда 500-700 жуфти уялайди, бир неча юстаси қишлайди, мавсумий учиб ўтишида бир неча минглаб учрайди.

Образ жизни. Населяет богатые рыбой крупные мелководные равнинные водоемы с густыми зарослями тростника. Питается рыбой. Гнездится колониями. Гнездо устраивает на кучах тростника или на отмелях и островах. Кладка состоит из 1-3 (обычно 2) белых яиц. Насиживание продолжается 29-30 дней. Насиживает самка, когда она улетает на кормежку, ее ненадолго сменяет ее самец. Родители кормят птенцов полупереваренной отрыгнутой пищей, позднее приносят в клюве мелких рыбок. Молодые начинают летать в возрасте 65-70 дней, в июне-августе. После этого гнездовые колонии распадаются и птицы образуют стаи, которые кочуют в поисках корма. Весенний пролет проходит в марте-апреле, осенний пролет в сентябре-ноябре.

Численность. Основная часть поголовья обитает в тропических регионах. В Узбекистане гнездится 500-700 пар, зимует несколько сотен особей, на пролёте встречается до нескольких тысяч.

Pelecanus onocrotalus **Linnaeus**

Жингалак сақоқуш
Pelecanus crispus Bruch

Заиф, ареали қисқариб бораётга кўчманчи тур. Сони камайишининг асосий омиллари: Орол денгизи хавзасида сув режимининг бузилиши натижасида яшаш жойларининг йўқ қилиниши ва браконерлик, сувларнинг пестицидлар билан ифлосланиши оқибатида қушларнинг нобуд бўлишидир. Ўзбекистоннинг Қизил Китобига 2(VU:D)-тоифада ва СИТЕСнинг II Иловасига киритилган. Ов қилиниши таъқиқланган.

Ташқи кўриниши. Вазни 13 кг атрофида ва қанотларини ёзганида 3 м гача етадиган, сувда сузувчи йирик қуш. Патлари кулранг тусли оқ, бошида ва бўйнининг орқа қисмида узун жингалак патли кокилчаси бор, қанотларининг учи қора, тумшуқости халтаси сариқ, оёқлари кул ранг. Ёш қушлар кул ранг-кўнғир тусда.

Тарқалиши. Жануби-Шарқий Европа, Қозоғистон ва Ўрта Осиёда уялайди. Хиндистон, Ўрта ва Ғарбий Осиёда қишлайди. Ўзбекистонда Амударё қуйи оқими ва Зарафшонда, Сирдарёнинг ўрта оқимида уялайди, мавсумий кўчиши ва қишлашида Айдар-Арнасой кўллари тизими ва республиканинг жанубий ва марказий қисмларидаги бошқа йирик текслик сув хавзаларида учрайди. Мавсумий кўчиши даврида мунтазам дам олиш ва озиқланиш учун Қизилқум қўриқхонаси, Қуйи-Амударё биосфера резервати ва “Жайрон” Экомаркази ҳудудида тўхтаб ўтадилар

Яшаш тарзи. Пушти сақоқуш билан ўхшаш.

Сони. Илгари Ўзбекистон ҳудудида одатий бўлган. Ҳозирги вақтда пушти сақоқушга қараганда камёб: 250 жуфтга яқини уялайди, мавсумий кўчишида 1000 га яқини қайд қилинади, бир неча ўндан бир неча юзтагачаси қишлайди.

Кудрявый пеликан
Pelecanus crispus Bruch

Уязвимый, сокращающийся перелетный вид. Основные факторы снижения численности: уничтожение мест обитания из-за нарушения водного режима в бассейне Аральского моря и гибель птиц из-за браконьерства и загрязнения водоемов пестицидами. Внесен в Красную книгу Узбекистана в категории 2 (VU:D) и в Приложение II CITES. Добыча запрещена.

Внешний вид. Крупная водоплавающая птица массой до 13 кг и с размахом крыльев около 3 м. Оперение белое с сероватым оттенком, на голове и задней части шеи хохолок из удлиненных курчавых перьев, концы крыльев черные, подклювный мешок желтый, ноги серые. Молодые птицы серовато-бурые.

Распространение. Гнездится в Юго-Восточной Европе, Казахстане и Средней Азии. Зимует в Индии, в Средней и Западной Азии. В Узбекистане гнездится низовьях Амударьи и Зеравшана, в среднем течении Сырдарьи, на пролете и зимовке встречается на Айдаро-Арнасайской системе озер и других крупных равнинных водоемах в центральной и южной части Республики. Во время миграций регулярно останавливаются для отдыха и кормежки на территории Кызылкумского заповедника, Нижне-Амударьинского биосферного резервата и Экоцентра «Джейран».

Образ жизни. Сходен с розовым пеликаном.

Численность. На территории Узбекистана ранее был обычен. В настоящее время более редок, чем розовый пеликан: гнездится около 250 пар, на пролете насчитывается до 1000 особей, зимует от нескольких десятков до нескольких сотен особей.

***Pelecanus crispus* Bruch**

Қора лайлак
Ciconia nigra Linnaeus

Заиф, табиий камёб тур. Бутун ареали бўйича сони жуда кам. Ўзбекистоннинг Қизил Китобига 2(VU:R)-тоифада ҳамда СИТЕС-нинг II Иловасига киритилган. Овлаш таъқиқланган.

Ташқи кўриниши. Оёқлари ва бўйни узун йирик қуш. Танасининг узунлиги 90-100 см, қанотлари ёйилганда 185-205 см, вазни 3 кг атрофида. Воя-га етган қушларнинг патлари қора, метал тусда товланади, улардан кўкраги ва қорни оқ, тумшуғи, кўз атрофидаги териси яланғоч ва оёқлари қизил. Нари ва модаларининг ранги бир хил. Ёш қушларда патлари қўнғир, тушуғи қора, оёқлари яшилсимон.

Тарқалиши. Европанинг ўрмонларида, Сибирда, Узоқ Шарқ, Қирим, Кавказда, Ўрта Осиё, Эрон, Мўғилистон ва Хитойда уялайди. Африка, Хиндистон ва Жанубий Хитойда қишлайди. Ўзбекистонда Ғарбий Тяншан ва Ғарбий Помир-Олойнинг тоғли районларида уялайди. Текслик ва паст тоғли ҳудудларда кўчиб юрганида учрайди. Зомин, Нурота, Сурхон ва Чотқол қўриқхоналарида муҳофаза қилинади. Кўчиб юрадиган қушлар Зарафшон, Ҳисор, Китоб ва Қизилқум қўриқхоналари худудларида қайд қилинади.

Яшаш тарзи. Жуда ҳам эҳтиётқор ва яширин ҳаёт кечирадиган қуш. Алоҳида жуфтлари инсонлар манзилгоҳларидан узоқ хилват жойларда ўрнашади. Ўрмон зонасида йирик дарахтларда, қалин аралаш ёки баргли ўрмонларда, дарё қайирлари ёки ботқоқлар олдида уялайди. Ўрта Осиёда тоғ водийларида денгиз сатҳидан 700-2000 метргача балан-

Черный аист
Ciconia nigra Linnaeus

Уязвимый, естественно редкий вид. По всему ареалу очень малочислен. Внесен в Красную книгу Узбекистана в категории 2 (VU:R) и в Приложение II CITES. Добыча запрещена.

Внешний вид. Крупная птица с длинными ногами и шеей. Длина тела 90-100 см, размах крыльев 185-205 см, масса около 3 кг. У взрослых птиц оперение черное, с металлическим отливом, низ груди и брюхо белые, клюв, голая кожа вокруг глаз и ноги красные. Самцы и самки окрашены одинаково. У молодых птиц оперение бурое, клюв черный, ноги зеленоватые.

Распространение. Гнездится в лесных районах Европы, в Сибири, на Дальнем Востоке, в Крыму, на Кавказе, в Средней Азии, Иране, Монголии и Китае. Зимует в Африке, Индии и Южном Китае. В Узбекистане гнездится в горных районах Западного Тянь-Шаня и Западного Памиро-Алая. В равнинных и низкогорных районах встречается на пролете. Охраняется на гнездовании в Зааминском, Нуратинском, Сурханском, Чаткальском заповедниках. Мигрирующие птицы отмечаются на территории Зарафшанского, Гиссарского, Китабского и Кызылкумского заповедников.

Образ жизни. Очень скрытная и осторожная птица. Поселяется обособленными парами, в глухих местах вдали от человеческого жилья. В лесной зоне гнездится на крупных деревьях в густых смешанных или лиственных лесах, около речных пойм или болот. В Средней Азии гнездится в горных долинах на высоте 700-2000 м н.у.м., на скалах и обрывах, на недоступных нишах и карнизах, на вы-

ликда, қоялар ва жарликларда, етиб бўлмайдиган тоғ токчалари ва карнизларида, 6 дан 20 метргача баландда уялайди. Лайлаклар жуфти уясидан кўп йилллар давомида фойдаланади. Шундай, Зомин қўриқхонасига ҳар йили лайлаклар жуфти учиб келади ва Чортанги қояли дарасида уялайди. Кушлар ҳар йили уясини таъмирлайди ва каттагина қурилмани диаметри 1-1,5 м гача етказади. Уя учун қуруқ қалин шох ва ингичка шохчалар материал бўлади. Очиқ нов ўт, барглар, шувоқ, эфедра, қамиш, мох ва жунлар билан тўшалган. Қора лайлаклар апрелмай ойларида урчишни бошлайдилар. Уяда тухум босганида 2-5 та (6та жуда ҳам кам бўлади) йирик оқ тухумлар бўлади. Ота ва она тухумни бирга босадилар ва полапонларини ҳам биргаликда боқадилар. Полапонлар июлда учишни бошлайдилар. Лайлаклар сув хавзаларида, зах ва ботқоқли жойларда озиқланадилар. Амфибиялар, майда балиқлар, майда кемирувчилар, хашаротлар, чувалчанглар, моллюскалар билан озиқланади. Якка ва кичик гуруҳларда мавсумий кўчадилар. Баҳорги учиб ўтиши феврал-мартда, кузгиси август охири- сентябрда кузатилади.

Сони. Ўзбекистоннинг энг камёб уялайдиган куш турларидан бири. Бизнинг мамлакатимиз ҳудудида ҳаммаси бўлиб 20 дан ортиқ бўлмаган жуфтлар уялайди, мавсумий учиб ўтганда бир неча ўнлаб зотлари қайд қилинади.

соте от 6 до 20 м. Пара аистов использует гнездо в течение многих лет. Так, в Зааминский заповедник ежегодно прилетает одна пара аистов и гнездится в скалистом ущелье Чортанги. Птиц ежегодно ремонтируют и надстраивают гнездо, превращая в громоздкое сооружение до 1-1,5 м в диаметре. Материалом для гнезда служат сухие толстые сучья и тонкие ветки. Лоток выстлан травой, листьями, полынью, эфедрой, стеблями тростника, мхом, шерстью. Черные аисты приступают к размножению в апреле-мае. В кладке 2-5 (редко 6) крупных белых яиц. Насиживают кладку и выкармливают птенцов оба родителя. Птенцы начинают летать в июле. Кормятся аисты на водоемов, на сырых, болотистых местах. Питаются амфибиями, мелкой рыбой, мелкими грызунами, ящерицами, насекомыми, червями, моллюсками. Мигрируют одиночками и небольшими группами. Весенний пролет проходит в феврале-марте, осенний пролет в конце августа-сентябре.

Численность. Один из наиболее редких гнездящихся видов птиц Узбекистана. Всего на территории нашей страны гнездится не более 20 пар, на пролете насчитывается несколько десятков особей.



***Ciconia nigra* Linnaeus**

Илонхўр бургут
Circaetus gallicus Gmelin

Табиатан камёб тур, Ўзбекистоннинг энг камёб уялайдиган йиртқич қуш. Сони камайишининг асосий сабаблари: қўриқ ерларни ўзлаштириш, тўқай, тоғ ва чўл ўрмонларининг кесилиши, уяларининг бузилиши, кам сонли кўпайишидир. Ўзбекистон Қизил китобига 2(VU:D)-тоифа – заиф, қисқараётган учиб ўтувчи тур сифатида киритилган. СИТЕС-нинг II-Иловасига киритилган. Овлаш таъқиқланган.

Ташқи кўриниши. Йирик йиртқич қуш. Умумий узунлиги 62-67 см, қанотлари очилганида 1,6-1,9 м, вазни 1,2-2,3 кг. Парвозда танаси қуйи қисмини кўндаланг олачипор, жуда оч оқ ранги билан ажралади. Думининг пастки қисмида уч қора кўндаланг йўллари бор. Танасининг юқори қисми қўнғир-кулранг. Калласи каттагина, "қаттиқ" оч-сариқ кўзли. Парвози ўта енгил, ҳаракатчан.

Тарқалиши. Жанубий ва Марказий Европа, Шимоли-Ғарбий Африка, Кавказда, Олд Осиё ва Ўрта Осиёда, Хиндистон ва Покистонда, Жануби-Ғарбий Сибирда ва Мўғилистонда учрайди. Ўзбекистонда қумли чўлларда, тўқайли ўрмонларда, қолдиқ тизмалар ва тоғли районларда(баланд тоғлардан ташқари) уялайди. Зарафшон, Нурота, Сурхон, Чотқол қўриқхоналари ҳудудида ва Қуйи-Амударё биосфера резерватида уялашида муҳофаза қилинади. Учиб ўтишида Қизилқум ва Китоб қўриқхонасида муҳофаза қилинади.

Яшаш тарзи. Учиб ўтувчи қуш. Дарахт-бута ўсимлари, очиқ жойлар билан бирга келадиган турли тоғ ва текслик ландшафтларида яшайди. Тоғларда денгиз сатҳидан 2500 м баландликкача учрайди. Жуда ҳам эҳтиёткор, илонлар

Змееяд
Circaetus gallicus Gmelin

Естественно редкий вид, одна из наиболее редких гнездящихся хищных птиц Узбекистана. Основные причины снижения численности – хозяйственное освоение целинных земель, вырубка тугайных, горных и пустынных лесов, разорение гнезд, низкая плодовитость. Внесен в Красную книгу Узбекистана в категории 2 (VU:D) – уязвимый, сокращающийся перелетный вид. Внесен в Приложение II CITES. Добыча запрещена.

Внешний вид. Крупная хищная птица. Общая длина 62-67 см, размах крыльев 1,6-1,9 м, масса 1,2-2,3 кг. В полете хорошо отличается очень светлой, почти белой окраской нижней стороны тела с темными поперечными пестринами. На хвосте снизу три темные поперечные полосы. Верхняя сторона тела буровато-серая. Голова довольно большая, с пронзительными ярко-желтыми глазами. Полет очень легкий, маневренный.

Распространение. Встречается в Южной и Центральной Европе, в Северо-Западной Африке, на Кавказе, в Передней и Средней Азии, Индии, Пакистане, в Юго-Западной Сибири и в Монголии. В Узбекистане гнездится в песчаной пустыне, в тугайных лесах, на останцовых хребтах и в горных районах (кроме высокогорий). Охраняется на гнездовании на территории заповедников Зарафшанского, Нуратинского, Сурханского, Чаткальского и Нижне-Амударьинского биосферного резервата, на пролете отмечается также в Кызылкумском и Китабском заповеднике.

Образ жизни. Перелетная птица. Населяет различные горные и равнинные ландшафты, в которых древесно-кустарниковая растительность сочетается с открытыми пространствами. В го-

кўп бўлган, инсон кам келадиган ерларда тарқалган. Ўзлаштирилган районларда учрамайди. Дарахтлар, буталар, жарликлар ва қояларда уялайди. Баҳорда, мартнинг охири-апрелда уялаган жойларига келади, қишловга сентябр-октябрда учиб кетади. Апрел-майда модаси 1та(камдан- кам 2 та) тухум қўяди. Тухум босиб ётиши бир ярим ойга яқинни ташкил этади. Ёш қушлар август-сентябрда учишни бошлайдилар. Илонлар (шу жумладан захарлилари), калтакесаклар билан озиқланади, шунингдек қурбақалар ва майда ҳайвонларни овлайди.

Сони. Ўзбекистонда фақатгина 20 жуфтга яқини уялайди, шу жумладан, 1-2 жуфти Чотқол қўриқхонасида, 2 жуфтдан Қуйи-Амударё биосфера резервати, Зарафшон, Нурота ва Сурхон қўриқхоналарида яшайди.

рах обитает на высотах до 2500 м н.у.м. Очень осторожен, поселяется в удаленных от жилья и мало посещаемых людьми местах с высокой численностью змей. В освоенных районах не встречается. Гнездится на деревьях, кустарниках, обрывах и скалах. Весной появляется в местах гнездования в конце марта-апреле, улетает на зимовку в сентябре-октябре. В апреле-мае самка откладывает 1 (редко 2) яйца. Насиживание длится около полутора месяцев. Молодые начинают летать в августе-сентябре. Питается змеями (в том числе ядовитыми), ящерицами, ловит также лягушек, мелких зверьков.

Численность. В Узбекистане насчитывается около 20 гнездящихся пар, в том числе 1-2 пары в Чаткальском заповеднике, по 1 паре – в Зарафшанском, Нуратинском и Сурханском заповедниках и Нижне-Амударьинском биосферном резервате.

Circaetus gallicus Gmelin

Кичик бургут
Hieraaetus pennatus Gmelin

Ўзбекистонда 1950-йилларгача одатий бўлган. Ҳозирги вақтда яшаш жойларининг йўқ қилиниши(тўқай ўрмонларининг кесилиши, тоғ водийларининг ўзлаштирилиши), уяларининг бузилиши ва браконерлик туфайли сони кескин камайган. Ўзбекистон Қизил китобига 2(VU:D)-тоифада киритилган – заиф, қисқариб бораётган учиб ўтадиган тур. СИТЕСнинг II Иловасига киритилган. Овлаш таъқиқлаган.

Ташқи кўриниши. Ўртача катталикдаги йиртқич қуш. Вазни 500-1300 г, бўйи 45-53 см, қанотлари очилганда 1-1,3 м. Модалари ранги бўйича нарларидан фарқ қилмайди, лекин бир оз йирикроқ. Рангининг икки формаси бор, қора ва оч. Қора рангли қушларда рангининг умумий фони қора-қўнғир ёки жигарранг. Оқиш формали қушларда орқа томони оч-қўнғир, қорин қисми оқиш ёки сарғиш-қизил, қанотининг эшувчи патлари қора-қўнғир тусда. Оч тусли ва тўқ тусли қушларда дум устида ёрқин кўндаланг йўллари бор, курак қисмида ёрқин доғлар(туринг ажратиган яшил белгиси) бор. Ёш қушлар ранги бўйича катталарига ўхшаш. Думи узун ва энсиз, текис кесилган, четларида очиқ йўллари бор. Илик суягидан панжаларигача патлари бор. Парвози жуда тез ва харакатчан. Уяли жойларда анча кўп қичқирадилар, кўпинча «кли-кли-кли-кли» деган кучли қичқириқлари эшитилади.

Тарқалиши. Ареали Евросиё, Австралия ва Шимоли–Ғарбий Афикани ўз ичига олади. Евросиёда уялашда Жанубий ва Шарқий Европада (ўрмон-дашт ва ўрмон зонасининг жанубида), Кавказ, Қозоғистон, Ўрта Осиё, Монголия, Ғарбий ва Жануби-Шарқий Осиё, Жа-

Орел-карлик
Hieraaetus pennatus Gmelin

До 1950-х годов был обычен в Узбекистане. В настоящее время численность сильно сократилась из-за уничтожения мест обитания (вырубки тугайных лесов, освоения горных долин), разорения гнезд и браконьерства. Внесен в Красную книгу Узбекистана, категория 2 (VU:D) – уязвимый, сокращающийся перелетный вид. Внесен в Приложение II СИТЕС. Добыча запрещена.

Внешний вид. Хищная птица средних размеров. Масса 500-1300 г, длина 45-53 см, размах крыльев 1-1,3 м. Самки по окраске не отличаются от самцов, но немного крупнее. Имеется две формы окраски, темная и светлая. У темных птиц общий тон окраски темно-бурый или коричневый. У птиц светлой формы спинная сторона светло-бурая, брюшная сторона беловатая или светло-охристая, маховые перья крыла темно-бурые. У птиц и темной, и светлой формы на надхвостье светлая поперечная полоса, в области лопаток светлые пятна (хороший отличительный признак вида). Молодые птицы по окраске похожи на взрослых. Хвост длинный и узкий, с прямым обрезом, с узкой светлой полосой по краю. Цевка оперена до пальцев. Полет быстрый, маневренный. На гнездовом участке довольно крикливы, часто издают пронзительный клекот «кли-кли-кли-кли».

Распространение. Ареал охватывает Евразию, Австралию и Северо-Западную Африку. В Евразии встречается на гнездовании в Южной и Восточной Европе (в лесостепи и на юге лесной зоны), на Кавказе, в Казахстане, Средней Азии, Монголии, Западной и Юго-Восточной Азии, в Южной Сибири. В Узбекистане гнездит-

нубий Сибирда учрайди. Ўзбекистонда Ғарбий Тяншанда, Ғарбий Помир-Олойда, Сирдарё ва Зарафшон дарёлари водийларида тарқалган. Нурота, Зомин, Зарафшон, Китоб, Ҳисор, Сурхон ва Чотқол давлат қўриқхоналарида, Зомин ва Угом-Чотқол миллий табий боғларида муҳофаза қилинади. Хиндистон ва Покистонда қишлайди.

Яшаш тарзи. Кўчиб ўтадиган қуш. Ҳам текисликларда, ҳам тоғларда (денгиз сатҳидан 2000-2400 метр баландликда) яшайди. Ўзбекистонда тоғ ва текисликларнинг қайир ўрмонларида уялайди. Уялари баланд дарахтларда, йирик шохларнинг айриларида, танасига яқин жойлашган. Баъзида қояларда уя қуради. Уясининг диаметри 70-100 см, шохлардан қурилган, нов қуруқ ўт, янги шаббалар, яшил ўтлар билан қопланган. Инсонлар томонидан безовта қилинмаса уядан узоқ муддат фойдаланади. Баҳорда уяга апрел ойининг бошларида учиб келади, кузда сентябрнинг охири-октябрнинг бошида учиб кетади. Тухум қўйиши апрелнинг ўртаси-охирида кузатилади ва унда 2та (камдан-кам 1 ёки 3та) тухум бўлади. Тухумнинг очлиши 38 кун давомида амалга ошади. Май ойининг охири-июннинг бошида полопонлар тухумни ёриб чиқади; улар июлнинг иккинчи ярмида, 45-50 кунлик даврида учади ва кузгача ота-онаси билан қолади. Майда ва ўрта қушлар, кичик сут эмизувчилар, калтакесаклар билан озиқланади.

Сони. Ўзбекистон ҳудудида фақатгина 20 га яқин уялайдиган жуфтлар қайд қилинади. Энг кўп сони Нурота тизмасида қайд қилинади (14 жуфтга яқин, шу жумладан 8-10 жуфти Нурота қўриқхонаси ҳудудида).

ся в Западном Тянь-Шане, Западном Памиро-Алае, в долинах рек Сырдарья и Зеравшан. Охраняется на территории Нуратинского, Зааминского, Зарафшанского, Китабского, Гиссарского, Сурханского и Чаткальского государственных заповедников, Зааминского и Угам-Чаткальского национальных природных парков. Зимует в Индии и Пакистане.

Образ жизни. Перелетная птица. Обитает как на равнинах, так и в горах (до высоты 2000-2400 м н.у.м.). В Узбекистане гнездится в горных и равнинных пойменных лесах. Гнезда располагаются на высоких деревьях, в развилке крупных ветвей у самого ствола. Изредка гнездится на скалах. Гнездо 70-100 см в диаметре, построено из веток, лоток выстлан сухой травой, свежими веточками и зелеными листьями. При отсутствии беспокойства со стороны людей гнездо используется в течение многих лет. Весной прилетает в места гнездования в начале апреля, осенью отлетает в конце сентября – начале октября. Кладка происходит в середине-конце апреля, в ней 2 (редко 1 или 3) яйца. Насиживание продолжается в течение 38 дней. В конце мая-начале июня вылупляются птенцы, которые вылетают во второй половине июля в возрасте 45-50 дней и до осени держатся с родителями. Питается мелкими и средними птицами, мелкими млекопитающими, ящерицами.

Численность. Всего на территории Узбекистана насчитывается около 20 гнездящихся пар. Наибольшая численность наблюдается на хребте Нуратау (до 14 пар, в том числе 8-10 пар на территории Нуратинского заповедника).

***Hieraaetus pennatus* Gmelin**

Бургут
Aquila chrysaetos Linnaeus

Йиртқич қушларнинг камёб тури. Сони камайишининг асосий сабаблари-браконерлик, уяларининг бузилиши, пуштлилигининг пастлиги. Ўзбекистон Қизил китобига 2(VU:R)-тоифада киритилган – заиф, табиий камёб тур. Овлаш таъқиқлаган.

Ташқи кўриниши. Узун қанотли ва узун кенг думли йирик йиртқич қуш, бургутлар ичида энг йириги ва кучлиси. Қанотлари очилганда 1,8-2,3 метр атрофида, умумий узунлиги 76-95 см, вазни 3-6,5 кг. Модаси наридан йирикроқ. Вояга етган қушлар жигарранг-қўнғир тусда, қанотлари остида очиқ рангда. Бошининг усти ва бўйнинг орқаси тилларанг. Ёш қушлар (5 ёшгача) думи тагидаги кенг оқ йўли ва қанотларидаги оқ доғлари билан ажралади. Парвози муаллақ, эркин ва харакатчан.

Тарқалиши. Шимолий ярим шарда кенг тарқалган, аммо кўпчилик минтақаларда ҳозирги вақтга келиб йўқолиб кетган ёки ўта камёб бўлиб қолган. Ўзбекистон ҳудудида уялари барча тоғли районларда, Устюрт платосида ва Жанубий Оролбўйида учрайди. Уялари Нурота, Зомин, Китоб, Ҳисор, Сурхон ва Чотқол давлат қўриқхоналари ҳудида, Зомин ва Угом-Чотқол миллий табиат боғларида муҳофаза қилинади.

Яшаш тарзи. Ўрмонлар, тоғлар ва чўлларда яшайди. Ўзбекистонда қумли чўллар, қолдиқ паст тоғлар, тоғ олдилари, тоғларнинг ўрта ва юқори минтақаларида тарқалган. Фаол йиртқич- кемирувчилар, турли қушлар, илонлар, тошбақалар, қуёнлар билан озиқланади. Тулкиларга, шунингдек ёввойи ва уй туёқли ҳайвонлари боласига хамла қилади. Баъзида ўлакса ҳам истеъмол қилади. Бургутлар жуфти до-

Беркут
Aquila chrysaetos Linnaeus

Редкий вид хищных птиц. Основные причины снижения численности – браконьерство, разорение гнезд, низкая плодовитость. Внесен в Красную книгу Узбекистана в категории 2 (VU:R) – уязвимый, естественно редкий вид. Добыча запрещена.

Внешний вид. Крупная хищная птица с длинными крыльями и длинным широким хвостом, самый крупный и сильный из орлов. Размах крыльев до 1,8-2,3 м, общая длина 76-95 см, масса 3-6,5 кг. Самки крупнее самцов. Взрослые птицы окрашены в коричнево-бурый цвет, с посветлением снизу на крыльях. Верх головы и задняя часть шеи золотистого цвета. Молодые (до 5-летнего возраста) отличаются широкой белой полосой у основания хвоста и белыми пятнами на крыльях. Полет легкий и маневренный.

Распространение. Широко распространен в Северном полушарии, однако во многих регионах к настоящему времени этот вид исчез или стал очень редок. На территории Узбекистана встречается во всех горных районах, в пустыне Кызылкум, на плато Устюрт и в Южном Приаралье. Охраняется на гнездовании на территории Нуратинского, Зааминского, Китабского, Гиссарского, Сурханского и Чаткальского государственных заповедников, Зааминского и Угам-Чаткальского национальных природных парков.

Образ жизни. Обитает в лесах, в горах и в пустынях. В Узбекистане населяет песчаные пустыни, останцовые низкогорья, предгорья, нижний, средний и верхний пояс гор. Активный хищник, питается грызунами, различными птицами, змеями, черепахами, зайцами, нападает также на лис и на молодняк ди-

имий жойда ўтроқ яшайди ва йилдан йилга битта уяни эгаллайди ёки навбат билан 2-3 уяда яшайди. Жуфтлари доимий. Бошқа йиртқич қушлардан уяли жойини жуда фаол химоя қилади. Қояларда, тик тошли ён бағирларда, лёссли жарларда, дарахтларда, электр узаткич линияларида уя қуради. Уяси диаметри 1-2 м атрофида, шохлардан текис шаклда, новига қуруқ ўт ва мох солинган ва четларида янги яшил дарахт шохлари ва буталар терилган. Феврал-март ойларида модаси 2та (баъзида 1 ёки 3та) тухум қўяди. Тухум босиши 43-45 кун давом этади. Одатда полапонларидан фақат биттаси, энг кучлиси тирик қолади. Ёш қушлар уядан июн-июлда учиб кетади.

Сони. Ўзбекистон ҳудудида жами 80-100 уя қурган жуфтлар қайд қилинади.

ких и домашних копытных. Иногда ест падаль. Пары беркутов живут оседло на постоянном участке и занимают из года в год одно и тоже гнездо или используют поочередно 2-3 гнезда. Пары постоянные, образуются на всю жизнь. От других хищных птиц беркуты защищают свой гнездовой участок очень агрессивно. Гнездятся на скалах, на крутых каменистых склонах, лессовых обрывах, на деревьях, опорах линий электропередач. Гнездо имеет вид плоской кучи из веток диаметром до 1-2 м, лоток выстлан сухой травой и мхом и по краю выложен свежими зелеными ветками деревьев и кустарников. В феврале-марте самка откладывает 2 (редко 1 или 3) яйца. Насиживание продолжается 43-45 дней. Обычно выживает только 1 из птенцов, наиболее сильный. Молодые вылетают из гнезда в июне-июле.

Численность. Всего на территории Узбекистана насчитывается 80-100 гнездящихся пар.

Aquila chrysaetos Linnaeus

Болтаютар
Gypaetus barbatus Linnaeus

Йиртқич қуш-ўлаксахўрларнинг табиий камёб тури. Сони қисқаришининг асосий сабалари-қушларнинг браконерлар томонидан отилиши, озуқа базасининг етишмаслиги, кам пуштлилиги. Ўзбекистон Қизил китобига 2(VU: R)-тоифада киритилган – заиф, табиий камёб тур. Халқаро Қизил китобга ва СИТЕСнинг II Иловасига киритилган. Овлаш таъқиқлаган.

Ташқи кўриниши. Ўрта Осиёнинг энг йирик қушларидан бири. Вазни 5,5-7 кг, умумий узунлиги 100-115 см, қанотлари ёзилганда 2,6-2,8 м. Модалари наридан йирикроқ. Узун энсиз қанотли ва узун ханжарсимон думли, улкан характерли шарпали қуш- болтаютарни катта масофадан бошқа йиртқич қушлардан ажратиб олиш имконини беради. Вояга етган қушларда боши, бўйни ва қорин томони оқиш-оқишдан тўқ-маллагача; тумшуғи тагида соқол ҳосил қиладиган (номи шундан келиб чиққан) қора сочсимон патлари бор; танасининг орқа томони кул ранг, қанотлари ва думи тўқ-кул ранг. Ёш қушлари (5 ёшгача) қора рангли. Бошқа ўлаксахўрлардан фарқли, болтаютарнинг боши ва бўйни патли.

Тарқалиши. Жанубий Европа, Шарқий ва Жанубий Африка, Олд, Ўрта ва Марказий Осиёнинг тоғли минтақалари. Ўзбекистон ҳудудида Ғарбий Тяншан ва Ғарбий Помир-Олойда уялайди, баъзан Қизилқум чўлига кўчади. Нурота, Зомин, Китоб, Ҳисор, Сурхон ва Чотқол давлат қўриқхоналарида, Зомин ва Угом-Чотқол миллий табиий боғларида уяларида муҳофаза қилинади.

Яшаш тарзи. Ўтроқ кун кечиради.

Бородач
Gypaetus barbatus Linnaeus

Естественно редкий вид хищных птиц-падальщиков. Основные причины сокращения численности - браконьерский отстрел птиц, недостаток кормовой базы, низкая плодовитость. Внесен в Красную книгу Узбекистана, категория 2 (VU:R) - уязвимый, естественно редкий вид. Внесен в Международную Красную книгу и Приложение II CITES. Добыча запрещена.

Внешний вид. Одна из самых крупных птиц Средней Азии. Масса 5,5-7 кг, общая длина 100-115 см, размах крыльев 2,6-2,8 м. Самки крупнее самцов. Характерный силуэт этой огромной птицы с длинными узкими крыльями и длинным узким клиновидным хвостом позволяет безошибочно отличать бородача от других хищных птиц даже на большом расстоянии. У взрослых птиц голова, шея и брюшная сторона светлые, от беловатого до ярко-рыжего цвета; под клювом пучок черных волосовидных перьев, образующих бородку (откуда и название птицы); спинная сторона тела серая, крылья и хвост темно-серые. Молодые (до 5-летнего возраста) имеют темную окраску. В отличие от других падальщиков, голова и шея у бородача оперенные.

Распространение. Горные регионы Южной Европы, Восточной и Южной Африки, Передней, Средней и Центральной Азии. На территории Узбекистана гнездится в Западном Тянь-Шане и Западном Памиро-Алае, иногда совершает кочевки в пустыню Кызылкум. Охраняется на гнездовании на территории Нуратинского, Зааминского, Китабского, Гиссарского, Сурханского и Чаткальского государственных заповедни-

Тоғларнинг ўрта ва юқори минтақасида, 1000 метрдан 4000 метргача бўлган баландликларда уялайди. Уясини чиқиш қийин бўлган қояларга қуради ва шохшаббалар, эски суяклар, тери парчалари ва қуруқ ўтдан иборат. Полапонларнинг ривожланиши жуда узоқ давом этади, шунинг учун уя қуриш вақтли бошланади. Тухум қўйиши қишда, декабр-январда амалга ошади. Уяда 1-2 тухум бўлади, лекин қоида бўйича фақат битта полапон ўсиб, рвожланади. Тухум босиш 55-60 кун давом этади. Полапонлари апрелда тухумдан чиқади, пати ўсиб, июнда уча бошлайди, лекин ота-онаси билан кузгача қолади. Болтаютар асосан ўлакса ейди, шунингдек, ошқозонида осон хазм бўладиган суяклар билан ҳам озиқланади. Баъзида тошбақалар ва кемирувчиларни овлайди.

Сони. Ўзбекистон ҳудудида 50-70 жуфтга яқини, шу жумладан, 5-6 жуфти Нурота, Туркистон, Зарафшон ва Чотқолда ва 15-20 жуфти Ҳисор тизмасида уялайди.

Ўзбекистон қўриқхоналари ичида болтаютарнинг энг кўп сони Ҳисор қўриқхонасида- 18 га яқини кузатилади.

ков, Зааминского и Угам-Чаткальского национальных природных парков.

Образ жизни. Живет оседло. Гнездится в среднем и верхнем поясе гор, на высотах от 1000 до 4000 м и выше. Гнездо располагается на труднодоступных скалах, оно устроено из сучьев, старых костей, кусков шкур и сухой травы. Развитие птенцов продолжается очень долго, поэтому гнездование начинается рано. Кладка яиц происходит зимой, в декабре-январе. В кладке 1-2 яйца, но развивается и вырастает, как правило, только один птенец. Насиживание продолжается 55-60 дней. Птенцы вылупляются в апреле, оперяются и начинают летать в июне, но держатся с родителями до осени. Кормится бородач главным образом падалью, в том числе костями, которые отлично перевариваются в его желудке. Изредка добывает черепах и грызунов.

Численность. На территории Узбекистана гнездится около 50-70 пар, в том числе по 5-6 пар на хребтах Нуратау, Туркестанском, Зеравшанском, Чаткальском и около 15-20 пар на Гиссарском хребте. Среди заповедников Узбекистана наиболее высокая численность бородача наблюдается в Гиссарском заповеднике – около 18 особей.

***Gypaetus barbatus* Linnaeus**

Тасқара
Aegypius monachus Linnaeus

Йиртқич ўлаксахўр-қушларнинг камёб тури. Сони қисқаришининг асосий сабаблари-уяларининг бузилиши, қушларнинг браконерлар томонидан отилиши, озуқа базасининг етишмаслилиги, кам пуштлилиги. Ўзбекистон Қизил китобига 3(NT)-тоифада киритилган – заифга яқин тур. Халқаро Қизил китобга ва СИТЕСнинг II Иловасига киритилган. Овлаш таъқиқлаган.

Ташқи кўриниши. Узун, кенг қанотли ва калта кенг думли жуда йирик қуш. Қанотлари очилганида 2,5-3 метргача етади, вазни 7-12 кг. Ранги тўқ-қўнғир. Боши кулранг пат билан қопланган, бўйни деярли ялонғоч, бўйни атрофида узун тарқоқ патлардан иборат оч-қўнғир ёқаси бор. Парвози-муаллақ, эркин.

Тарқалиши. Олд Осиё, Ўрта ва Марказий Осиё, Шимолий Африка, Жанубий Европа, Кавказда ва Ҳимолай тоғларида яшайди. Ўзбекистонда Ғарбий Тяншан, Ғарбий Помир-Олойда, Бўкантов ва Томдитов қолдиқ тоғларида тарқалган. Нурота, Зомин, Китоб, Ҳисор, Сурхон ва Чотқол давлат қўриқхоналарида, Зомин ва Угом-Чотқол миллий табиий боғларида уяларида муҳофаза қилинади. Уяламайдиган вақтда Ўзбекистоннинг текслик районларида ҳам учрайди.

Яшаш тарзи. Ўзига хос ўлаксахўр, ёввойи ва уй туёқли ҳайвонлари ўлаксалари билан озиқланади. Табиий санитар сифатида катта фойда келтиради. Тоғ этакларида, тоғларнинг қуйи ва ўрта минтақаларида уя қуриб яшайди. Ўтроқ ҳаёт кечиради, лекин баъзида уясидан ўнлаб километр масофага бориб келади. Жуфтлиги доимий. Уялари-

Черный гриф
Aegypius monachus Linnaeus

Редкий вид хищных птиц-падальщиков. Основные причины сокращения численности - разорение гнезд, браконьерский отстрел птиц, недостаток кормовой базы, низкая интенсивность размножения. Внесен в Красную книгу Узбекистана, категория 3 (NT) - близкий к уязвимым вид. Внесен в Международную Красную книгу и Приложение II CITES. Добыча запрещена.

Внешний вид. Очень крупная птица с длинными широкими крыльями и коротким широким хвостом. Размах крыльев до 2,5-3 м, вес 7-12 кг. Окраска тёмно-бурая. Голова покрыта серым пухом, шея почти голая, вокруг шеи светло-бурый воротник из длинных рассученных перьев. Полёт парящий.

Распространение. Обитает в горах Передней, Средней и Центральной Азии, Северной Африки, Южной Европы, на Кавказе и в Гималаях. В Узбекистане распространен на гнездовании в Западном Тянь-Шане, Западном Памиро-Алае, останцовых горах Букантау и Тамдытау. Охраняется на гнездовании на территории Нуратинского, Зааминского, Китабского, Гиссарского, Сурханского и Чаткальского государственных заповедников, Зааминского и Угам-Чаткальского национальных природных парков. В негнездовое время встречается и в равнинных районах Узбекистана.

Образ жизни. Типичный падальщик, питается трупами диких и домашних копытных. Приносит большую пользу как природный санитар. Гнездится в предгорьях, нижнем и среднем поясе

ни тоғ ён бағирларида, ёввой бодом ёки арчаларга қуради. Қолдиқ тизмаларда, гоҳида қояларда уя қуради. Марказий Қизилқумда саксолвулга ин қурган ягона ҳодиса кузатилган. Уяси диаметри 2-3 метр бўлган, шох-шаббалардан тикланган улкан қурилмани ташкил қилади ва кўп йиллар давомида фойдаланилади. Уясида яшаш даври 5,5–6 ойни ташкил этади. Февралнинг охири-мартда модаси 1та тухум қўяди. Тухумни босиш 54-56 кун давом этади. Полапонлари апрелнинг охири – майда тухумдан чиқади. Иккала ота-онаси тухумни босади ва полапонни озиқлантиради. Полапонининг патлари чиққунича ота-онаси совуқ хаводан асрайди ва кундузги иссиқда танаси билан қуёшни тўсади. Ёш тасқаралар уясидан июлнинг охири-сентябрнинг бошларида, 110 кунлик бўлганида учиб кетади.

Сони. Ўзбекистон ҳудудида 80 га яқин уяли жуфтлари қайд қилинган. Популяцининг энг катта зичлиги-30 жуфт атрофида ва Нурота қўриқхонаси ҳудудида кузатилади.

